



## Achievements in the field of digital technologies based on documents of the President of the Republic of Uzbekistan and cyber threats affecting them

Abdulaziz RASULEV<sup>1</sup>, Amridin ANORBOEV<sup>2</sup>

Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the Republic of Uzbekistan  
University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 15 October 2023

Available online

25 November 2023

**Keywords:**

information and  
communication  
technologies,  
digital technologies,  
documents of the President  
of the Republic of  
Uzbekistan,  
cyber attacks,  
cybercrime,  
liability,  
damage,  
legislation,  
human rights,  
country development

### ABSTRACT

This article discusses the development of information and communication technologies and cyber threats in accordance with the documents of the President of the Republic of Uzbekistan.

This research paper focuses on advances in digital technology and their relationship with cyber-attacks.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss5-pp42-51>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

<sup>1</sup> Deputy Director, Doctor of Law, Professor, Institute of Legislation and Legal Policy under the President of the Republic of Uzbekistan

<sup>2</sup> Independent applicant, PhD, University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

## Рақамли технологиялар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари асосида эришилган ютуқлар ва уларга раҳна солаётган кибертаҳдид

### АННОТАЦИЯ

#### **Калит сўзлар:**

ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжати, киберхужум, кибержиноят, жавобгарлик, зарар, қонунчилик, инсон ҳуқуқлари, мамлакат раҳнақи

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиши ҳамда ушбу ислохотларнинг кейинги ривожига раҳна солувчи кибертаҳдидлар ҳақида сўз юритилган.

Мазкур мақола рақамли технологиялар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари асосида эришилган ютуқлар ва уларга раҳна солаётган киберхуружларга бағишланган илмий иш ҳисобланади.

## Достижения, достигнутые в сфере цифровых технологий на основе документов Президента Республики Узбекистан и затрагивающие их киберугрозы

### АННОТАЦИЯ

#### **Ключевые слова:**

информационно-коммуникационные технологии, цифровые технологии, документ Президента Республики Узбекистан, кибератака, киберпреступность, ответственность, ущерб, законодательство, права человека, развитие страны

В данной статье рассматривается развитие информационно-коммуникационных технологий и киберугрозы в соответствии с документами Президента Республики Узбекистан.

Эта научная работа посвящена достижениям в области цифровых технологий и их связи с кибератаками.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари асосида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар рақамли технологияларнинг кейинги ривожини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди ва бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг давлат органлари ва ташкилотларига бўлган ишончи янада ошиши, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши ҳамда ривожланиши, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари қондирилишида муҳим ўрин тутди.

Ислохотларнинг кейинги ривожда эса Ҳаракатлар стратегияси орқали рақамли технологиялар соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари асосида қуйидаги ижобий ютуқларга эришдик, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4699-сон қарори ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Автомобиль чегара божхона постларида “Хавфларни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди. Натижада “Ялпи” божхона назоратидан ўтказишдан воз кечилган ҳолда божхона назоратининг “яшил-хавф-даражаси паст”, “сарик-хавф даражаси ўрта”, “қизил-хавф даражаси юқори”, “кўк-тасодифий танлов” йўлаклари яратилди ва аҳолига янада эркинлик, хавфларнинг автоматлаштирилган тизими яратилди.

“Агросубсидия” ахборот тизими ишга туширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар беришнинг автоматлаштирилган имконияти яратилди, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича субсидия олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш, ваколатли органлар билан келишиш ва ажратиш йўлга қўйилди.

“Ягона миллий меҳнат тизими” ишга туширилиб 5,4 млн. нафардан ортиқ ходим рўйхатдан ўтказилди, 260 мингта иш ўрнига эга бўлган иш берувчиларнинг сони эса 715 мингга етди.

“Электрон кундалик” ахборот тизимидан фойдаланиш ҳисобига 85 мингдан ортиқ қоғоз журналлар бекор қилинди ва давлат бюджетидан 1,5 млрд. сўм иқтисод қилинди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан “ягона дарча” тамойили асосида юк ташиш хизматларининг юк ортиш операцияларини расмийлаштириш ахборот тизими жорий қилиниб, унга йирик юк жўнатувчилар ва 2 мингдан ортиқ корхоналар уланди. Бунинг натижасида юк ортиш операцияларини қоғозда расмийлаштиришга сарф қилинадиган йилига 6,5 млрд. сўм миқдорда харажат иқтисод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 5 октябридаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган 2020–2022 йилларда давлат ва хўжалик органларида рақамли трансформация қилиш дастури доирасида 444 та лойиҳадан 337 таси (76 фоизи) тўлиқ амалга оширилди, ҳудудларда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қиймати 2,3 трлн. сўм бўлган жами 1 634 та лойиҳа ва тадбирлардан 1 464 таси (90 фоизи) тўлиқ амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимояни таъминлашда коррупциявий омилларнинг бартараф этилишини таъминлаш мақсадида республика бўйича “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими тўлиқ жорий этилди ва автомат равишда дастур орқали моддий ёрдам нафақалари тайинлаш имконияти яратилди ва бу орқали орқали 41 249 та мурожаат амалга оширилди.

“Электрон аттестат” ахборот тизимини ишга тушириш орқали 3,5 млн.дан ортиқ аттестатлар рақамлаштириш эвазига 1 млн.га яқин қоғоз шаклидаги шаҳодатномалар ва 9 мингдан ортиқ аттестатларни ҳисобга олиш дафтари харид

қилиниши бекор қилинди, натижада давлат бюджети ҳисобидан йилига 2,1 млрд. сўм иқтисод қилинмоқда.

Статистика кўмитаси томонидан Статистик ҳисоботларни Интернет орқали онлайн қабул қилишнинг eStat 4.0 автоматлашган ахборот тизими яратилди ва 120 турдаги статистик ҳисоботларни қабул қилиш йўлга қўйилди.

Киберҳужумдан ҳимоя ва бизнес-аналитика технологиялари жорий қилинди. “e-ijara”, “e-imtiyoz”, “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Автоматлаштирилган камерал назорат тизими”, “Солиқ узилиши коэффициенти” каби янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Натижада солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёни 5-7 баробаргача енгиллашиб, инсон омили аралашуви 60 фоизга қисқарди. Солиқ хизматлари порталида электрон кўринишда йил бошидан 2023 йил 7 июлга қадар 36 512 576 млн. сум солиқ тўланди ва 7,4 млн.дан ортиқ солиқ ҳисоботлари тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Очиқ бюджети портали ишлаб чиқилиши натижасида ушбу портал негизида фуқароларнинг маҳаллий бюджет харажатлари параметрларини шакллантириш ва ижросини кузатиб бориш имконияти яратилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар давлат бюджетининг параметрлари трансфертни ҳисобга олган ҳолда ушбу тизим орқали 232 607,0 млрд. сўм даромад, 257 734,0 млрд. сўм харажатлар қилинганлигини билиш мумкин.

“Давлат ва молия хизматларини кўрсатишда биометрик идентификациялаш (Му ID) учун сунъий интеллектни қўллаш” тажриба-синов лойиҳаси ишга туширилди ҳамда 23 та банк ва 5 та давлат ташкилоти “Му ID” лойиҳасига ўтиши туфайли 2,5 млн.дан ортиқ фойдаланувчи ундан рўйхатдан ўтди, натижада, шахсни идентификациялаш жараёнига кетадиган вақт 1 сонияга туширилди ҳамда ҳужжатларни текшириш жараёни буткул автоматлаштирилди.

“Пневмония ҳамда кўкрак саратони ташхисини қўйишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш” тажриба-синов лойиҳаси доирасида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида жами 1.8 млн.га яқин тасвир ҳамда 40 мингдан ортиқ бемор бўйича маълумотлар тўпланди ҳамда тўпланган маълумотлар асосида тизим такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижроси юзасидан эса, жами 219 та тадбирлар ижроси таъминланди. Жумладан, “Тендер” ягона ахборот тизими ишга туширилиши натижасида 23 трлн.сўмлик тендерлар ўтказилди, “Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш” ахборот тизими ишга туширилиши натижасида 21,9 мингта мактабгача таълим муассасалари тизимга киритилди, улардаги 58 мингта тарбиячи ҳамда 705 мингта тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумотлар тизимга киритилди, ушбу ташкилотларнинг барча ҳужжатларини электрон шаклда олиб бориш, уларнинг давомати ҳамда уларга ажратилган маблағларнинг мониторингини электрон шаклда юритиш имкониятлари яратилди. Ўтган вақт давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида жами 113 та Президент ҳужжати қабул

қилиниши натижасида рақамли иқтисодиёт соҳасининг мамлакат Ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2,77 фоизга етди.

Иккинчидан, АКТ соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 3,6 баробарга (6,3 трлн. сўмдан – 22,9 трлн. сўмгача) ошди:

2016 йил – 6,3 трлн. сўм;

2017 йил – 8,1 трлн. сўм;

2018 йил – 10,3 трлн. сўм;

2019 йил – 10,8 трлн. сўм;

2020 йил – 13,8 трлн. сўм;

2021 йил – 17,8 трлн. сўм;

2022 йил – 22,9 трлн. сўм.

2023 йил I чорак – 172,0 минг сўм.

Учинчидан, аҳоли жон бошига АКТ соҳаси хизматлар ҳажми 3,2 баробарга ошди (198,0 дан – 642,9 минг сўм) шундан, компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар 13,9 баробарга ошди (5,9 дан – 118,1 минг сўм).

Таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ТОП 10 та солиқ тўловчиларнинг 7 таси (“Ўзбектелеком” АК 273,3 млрд сўм, “Unitel” МЧЖ 198,7 млрд сўм, “Universal Mobile Systems” МЧЖ 86,8 млрд сўм, “COSCOM” МЧЖ 44,0 млрд сўм, “Information Technology Center” МЧЖ ҚК 29,3 млрд сўм, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК 24,2 млрд сўм ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ 24,2 млрд сўм) соҳа корхоналари бўлди.

Тўртинчидан, ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сонидан АКТ соҳасида корхоналар 1,9 баробарга ошди (6 427 дан – 12 204 гача), ИТ корхоналар эса 2,7 баробарга ошди (1 619 дан – 4 437 гача).

Бешинчидан, ахборот-коммуникация технологиялар соҳасида аҳоли бандлиги 1,4 баробарга ошди, (41,1 дан – 59,2 минг нафаргача ) 2023 йил I - чорак – 60,3 минг нафар.

Олтинчидан, ИТ-Парк резидентлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 28,3 баробарга ортиб, 179,9 млрд сўмдан 5,1 трлн сўмгача етказилди:

2017 йил – 179,9 млрд сўм

2018 йил – 279,1 млрд сўм

2019 йил – 529 млрд сўм;

2020 йил – 1,04 трлн сўм;

2021 йил – 2,5 трлн сўм;

2022 йил – 5,1 трлн сўм.

Еттинчидан, ИТ-Парк резидентлари томонидан кўрсатилган экспорт ҳажми 82 баробарга ортиб 1,7 млн. доллардан 140 млн. долларгача етказилди:

2018 йил – 1,7 млн доллар;

2019 йил – 6,2 млн доллар;

2020 йил – 16,2 млн доллар;

2021 йил – 46 млн доллар;

2022 йил – 140 млн доллар.

Жами АКТ хизматлари экспорти ҳажми 1,5 баробарга ўсиб, 135 млн. АҚШ долларидан 207 млн. АҚШ долларига етказилди. Бунда, айнан компьютер дастурлаш хизматлари ҳажми 46 млн. АҚШ долларини ташкил этиши эвазига асосий драйверга айланди.

Охирги икки йилда Глобал инновацион индекс рейтингида АКТ хизматлари экспорти кўрсаткичи бўйича 42 поғонага ошди (129-ўрндан 87-ўринга кўтарилди).

Ушбу эришилган ютуқларга раҳна солувчи кучлар ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда уни дунё аҳолиси киберхужум деб атамоқда. Статистикага эътибор берадиган бўлсак, дунёда ҳар сонияда 18 га яқин кибержиноятчи кунига бир ярим миллионга яқин кибержиноятларни содир этиб, бу кўрсаткич эса, аста-секин ўсиб бормоқда. Мутахассислар 2025 йилда кибержиноятчилик натижасида келтирилган зарар 10,5 триллион АҚШ долларга етишини тахмин қилмоқда. 2022 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 888,3 трлн. сўмга етди. ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 484,7 трлн. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида 343,4 трлн. сўм миқдориди ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 60,3 трлн. сўмни ташкил этди. Марказий банкнинг 10.07.2023 йилдаги расмий курси бўйича 1 АҚШ доллари 11570.09 сўмга тенглигини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги ЯИМ 888,3 трлн. сўмни долларга алмаштирадиган бўлсак, натижа 76 775 547 986,23001 АҚШ долларига тенг бўлади. Бу эса, 10,5 триллион АҚШ долларга нисбатан олиб қараганда, тахминан киберхужум натижасида келиб чиққан зарар Ўзбекистон ЯИМдан 136,7 баробар кўп эканлигига амин бўламиз ва бу Ўзбекистонга ўхшаган деярли 137 та давлатнинг ЯИМ кибержиноят натижасида келтирилаётган зарарга тенг дегани.

Кўриб ўтганимиздек, киберхужум жуда катта ва кенг қамровли кибермакондаги хавфдир.

Мазкур зарарнинг олдини олиш учун эса, мамлакатимизда бугунги кунда етарлича куч ва воситалар яратилмаган.

Хусусан, биргина қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, кибержиноят тушунчасининг ўзи ҳақида етарлича тушунтириш берилмаган, қайси жиноятлар кибержиноятга кириши мумкинлиги кўрсатилмаган, кибержиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг келтирган сабаб ва оқибатларини бартараф этиш, шу билан бирга, кибержиноятларни аниқлашнинг самарали ечимлари лозим даражада ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни мавжуд бўлса-да, унда кибержиноят тушунчаси, унинг турлари, уни тергов қилиш тартиби ҳамда ушбу жиноятлар ҳақида аниқ маълумот берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддасида содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши назарда тутилган ҳолда, қайси жиноятлар кибержиноятлар ҳисобланиши ва уларга нисбатан жазони қўллашнинг хусусиятлари, жазо ва жавобгарлик масалалари лозим даражада кўрсатилмаган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11, 344-345-моддаларида дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари ҳамда прокурорлар олиб боришлари назарда тутилган бўлиб, кибержиноят ишининг терговга тегишлилиги масаласи ушбу кодексда зарур даражада назарда тутилмаган, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва

уларнинг талабларини бажаришлари шартлиги кўрсатилган ҳолда, кибержиноят билан боғлиқ ҳолатлар вужудга келганида ушбу субъектларининг қандай вазифаларни амалга ошириши зарурлиги қонунчилигимизда деярли кўрсатилмаган.

Кибержиноятларни аниқлаш, уларга қарши курашиш ҳамда уланинг салбий оқибатларини бартараф этишнинг замонавий ечимлари амалда лозим даражада қўлланилмаяпти, “қуруқ тарғибот” билан чекланган ҳолда, аниқ статистик маълумот ва материаллар асосида аҳолининг ушбу соҳадаги билим ва кўникмалари лозим даражада оширилмаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, кибержиноятлар одатдаги жиноятларга қараганда содир этиш усулига кўра, тезкорлиги, кўламдорлиги бўйича оғир оқибатларга олиб келиш хавфи мавжудлиги, содир этиш вақтига кўра, ҳодиса амалга оширилган вақтни билиш мушкуллиги ҳамда энг муҳими ушбу жиноятни содир этиш харажатлари иқтисодий томондан кибержиноятчилар учун фойдали эканлигини ҳисобга олиб, мазкур жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни тезкорлик билан фош этиш ва оқибатларини бартараф этиш учун қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш вақти етиб келди, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунини қайта кўриб чиқишимиз ва ушбу Қонунда кибержиноят тушунчасини келтириб ўтишимиз, унинг турларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги моддалардан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги моддаларнинг диспозициясини ҳамда санкцияларини кибержиноятларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқишимиз ва қўшимча кибержиноятлар учун жавобгарлик чораларини белгилашимиз лозим. Мисол учун, Россия Федерациясининг муҳим ахборот инфратузилмасига ноқонуний таъсир кўрсатганлик учун Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 274.1-моддасида жинойий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасида эса, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунида муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари ҳақида сўз юритилиб, унга ноқонуний таъсир кўрсатганлик учун жавобгарлик чоралари лозим даражада белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида кибержиноятларни терговга тегишлилик масаласи аниқ ҳал этилиши ҳамда кибержиноятларни тергов қилишнинг умумий қоидалари ҳамда махсус белгилари ушбу Кодексда белгилаб қўйилиши керак. Мисол учун, кибержиноятларда ҳодиса жойини кўздан кечириш билан боғлиқ тергов ҳаракатида мутахассис ва экспертнинг иштироки жуда муҳим ва зарур. Бироқ, амалиётда кўп ҳолларда дастлаб суриштирувчи ёки терговчи томонидан дастлаб ҳодиса жойи кўздан кечирилади ва мутахассис ҳамда эксперт иштироки кейин таъминланади, натижада кибержиноятни содир этган шахсларни ушлаш ҳамда кибержиноятларни аниқлаш билан боғлиқ процесс чўзилиб кетади ёки вазият қийинлашади. Шу билан бирга, кибержиноятни тергов қилиш билан боғлиқ ишларда суриштирувчи ва

терговчининг малакасизлиги туфайли бугунги кунда латент жиноятчилик сони ушбу жиноятларда кўпайиб кетмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик кодексига кибержиноятлар билан боғлиқ зарарни ундириш чора-тадбирлари кўрсатилиши ҳамда келтирилган зарарни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилиши лозим.

Кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишда телекоммуникация тармоқлари муҳим ўрин тутлади. Зеро, деярли барча кибержиноятлар телекоммуникация тармоқларида содир этилиб, ушбу тармоқнинг хавфсизлигини таъминлаш орқали кибержиноятларнинг олдини олиш мумкин. Шу жиҳатдан, ушбу тармоқнинг аттестациядан мажбурий равишда ўтиш тартиб-таомили ишлаб чиқилиши лозим. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 1999 йил 20 августдаги 822-І-сон , “Банк сирини тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги 530-ІІ-сон , “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-30-сон , “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-395-сон Қонуни қайта кўриб чиқилиши ва тармоқнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уни аттестациядан ўтиши билан боғлиқ қоидаларни белгилаш таклиф этилади.

Кибернетикада инновациялар IT-парки резидентлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 72-моддасида белгиланган тартибда, киберхавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) турлари бўйича Ягона етказиб берувчи деб белгиланган ҳолда, давлат буюртмачилари томонидан киберхавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишлар, хизматлар) давлат харидлари Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган IT-парк резидентлари билан белгиланган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилиши мумкинлигини белгилаган ҳолда, лицензияланган ва сертификациядан ўтган дастурий таъминот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги кадрлар малакасини оширишга қўйилган давлат таълим талаблари ишлаб чиқилиши ва белгилаб қўйилиши зарур. Шу орқали киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўқув дастурларини Давлат хавфсизлик хизмати билан келишиш тартиби ўрнатилиши орқали киберхавфсизликни таъминлашнинг ягона технологик ечимларини амалга ошириш чораларини кўриш ва киберхавфсизлик соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг замонавий ечимларини амалиётга татбиқ этиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, ўтган вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш учун мазкур тадбирларни амалга ошириш биринчи галдаги вазифамиз бўлиши зарур. Давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш орқали киберхавфсизлик борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал



ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш зарур. Зеро, инсон қадрининг юксак бўлишини таъминлаш учун ҳам республикамизда хавфсиз кибермакон яратилиши ва барча жойда тартиб-интизом бўлиши талаб қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 1999 йил 20 августдаги 822–I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги 530–II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” 2006 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–30-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган 2020 – 2022 йилларда давлат ва хўжалик органларида рақамли трансформация қилиш дастури // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–4699-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
11. <https://customs.uz/uz/news/view/772>.
12. <https://agrosubsidiya.uz/>.
13. <https://my.mehnat.uz/login>.
14. <https://login.kundalik.com/?error=error.login.cookies>.
15. <https://railway.uz/uz/>.
16. <https://my.gov.uz/uz/service/587>.
17. <https://attestat.uzedu.uz/sign-in/>
18. <http://hisobot.stat.uz/ru/login/>

19. <https://ijara.soliq.uz/>.
20. <https://my.soliq.uz/main/>.
21. <https://my.gov.uz/uz/service/119>.
22. <https://soliq.uz/page/soliq-tekshiruvchilari-va-ekspressorganis?lang=uz>.
23. <https://my.soliq.uz/main/>.
24. <https://www.openbudget.uz/>.
25. <https://myid.uz/ru/>.
26. <https://lex.uz/>.
27. В. Харин, Т. Плотникова. Киберпреступность как угроза международной безопасности // Актуальные проблемы государства и права. 2018. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kiberprestupnost-kak-ugroza-mezhdunarodnoy-bezopasnosti>. (дата обращения: 10.07.2023).
28. <https://clickfraud.ru/statistika-kiberprestuplenij-2022>.
29. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/37093-o-zbekiston-respublikasining-yaim-tarkibi-qanday-2>.
30. <https://cyberpark.uz/about-us>.